

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 67 (10.120)

2004 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛАТВИЯ САФАРИ

XXI саҳоси
Барча мамбалардан
олиятга сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7 апрель куни давлат ташрифи билан Латвия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Латвия Болтиқбўйидаги катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди Президент. — Латвия иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ўзини анча ўнглаб олган, ислохотларни муваффақиятли амалга ошираётган давлатлардан.

Яқинда НАТОга қабул қилинган, тез орада Европа Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирувчи Латвия энди жаҳон иқтисодиётидаги фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Негаки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми Латвия денгиз портлари орқали экспорт қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Латвиянинг дунё бозорига яқинлашгани биз учун ҳам катта имкониятлар эшиги очилишини аналтади.

Ўзбекистон-Латвия ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Айни пайтда, ўза-

ро иқтисодий кўрсаткичларимиз 1998 йил билан солиштирганда олтимиз фозизга ошган.

Ислон Каримов мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари хусусида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Жаҳондаги кўпгина, ҳатто энг етакчи мамлакатлар ҳам ўз тарихида мана шундай ташвишли кунларни бошдан кечирган. Бундай пайтда ўша мамлакатлар халқлари бир тану бир жон бўлиб таҳдидларни бартараф этган, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб, юртда осойишталик ва барқарорликни таъминлашга эришган. Демак, ҳамжиҳатлик, бир мушт бўлиб ҳаракат қилишда гап кўп. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизни яна бир бор жипсликка, тинчлигимизни, осойишталигимизни бузмақчи бўлганларга қарши биргаликда курашга даъват этмоқчиман.

РИГА. 7 апрель. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланди. Рига қасрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. **Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.**

Қасрда икки мамлакат Президентлари Ислон Каримов ва Вайра Вике Фрейбергнинг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истикболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлишини таъкидлаб, бу борада ортирилган тажриба ҳамкорликка янги суръат бериш ва мазмунини бойитиш учун яхши имконият эканлигини қайд этдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида

ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокаралар самаралари ўтганини, томонлар мулоқотдан тўла қониқиш ҳосил қилганини, муҳокама этилган халқаро масалаларга нисбатан ёндашув ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидладилар.

Ислон Каримов Вайра Вике Фрейберга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига ташриф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Халқаро Латвия Республикаси халқаро муқофотлар жағфармасининг «Муъжизакор Николай» ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг Латвияга давлат ташрифи давом этмоқда.

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли**
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА
САТЛАРДА**

● **БУГУН** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Халқлар дўстлиги» фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивал танловида 11 та миллат вакиллари ўзларининг турли либослари, миллий таомлари ва концерт дастурлари билан иштирок этдилар. Тадбирга элчихоналардан вакиллар тақдир этилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Саломатлик марказида Бутунжаҳон саломатлик кунини муносабати билан йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишлаб брифинг уюштирилди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, посбонлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш «Хушёрликка даъват» деб номланди.

● **КАМОЛОТ.** ёшлар ижтимоий ҳаракати

ти Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан тумандаги ёшлар иштирокида тадбир ўтказилиб, унда барча ёшлар хушёрлик ва оғоҳликка эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидланди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида йиғилган талабалар Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган Эркин Саидов хотирасига бағишланган митингга ўз уйимизнинг ўзимиз асрашимиз лозимлигига эътибор қаратилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Юнител» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси фаолиятининг икки йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган адабий кеча Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида Гёте институти билан ҳамкорликда кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда шаҳримиздаги йирик кутубхоналар раҳбарлари, ходимлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Муҳаммад Юнус Қонуний бошчилигидаги Афғонистон таълим вазирлиги делегацияси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев билан учрашди.

Таъкидландики, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилган. Умумтаълим муассасалари моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ускуналари ва қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳаммад Юнус Қонунийнинг илтимосига кўра Афғонистон болалари учун ўзбек тили дарсликлари ҳамда «Одобнома» ва «Ватан туйғуси» фанлари бўйича китоблар берилди.

Жаҳонда

● Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар мудофаа вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. ЕИ ҳарбий салоҳиятини ислоҳ қилишга бағишланган тадбир доирасида 2007 йилгача Европа Иттифоқи мудофаа тузилмалари доирасида «тезкор тактик гуруҳлар» ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● Литва сепими кўпчилик овоз билан мамлакат Президенти Роландас Пахсасга мамлакат конституциясига зид фаолият олиб борганлиги учун импичмент эълон қилди. Президент истеъфога кетди.

● Франция полицияси мамлакатнинг Испания билан чегарадош ҳудудида жойлашган Сэн-Жан-Пье-де-Пор шаҳарчасидаги фермалардан бирида ЭТА айирмачиларига тегишли қурол ишлаб чиқарувчи цехни топди.

Транспорт

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

«Тошхаҳарийўловчитаранс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги «7-автобус саройи» очик акционерлик жамиятида «Мерседес-Бенц» сервис марказининг филиали ўз ишини бошлагани яна бир қулайлик бўлди.

Хозирги кунда пойтахтимизда уюшма томонидан йўловчиларни ташишда 580 та «Мерседес-Бенц» О 405 ва О 345 русумларидаги автобуслардан самарали фойдаланилмоқда. Узоқ йиллардан бери уюшма билан Германиянинг дунёга донги кетган «Даймлер Крайслер» саноат концерни таркибига кирувчи жуда машҳур «Эво Бус Глебх Мерседес-Бенц Автобус» автомобиль ишлаб чиқариш фирмаси ўртасидаги алоқалар ривожланиб бормоқда.

Аввал хабар берганимиздек, ўтган 2003 йилнинг апрель ойидан буён Тошкентга шартномага асосан «Мерседес-Бенц» Тюрк АШ» компаниясида ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц О 345» русумли автобуслардан 300 таси келтирилди ҳамда уюшма тасарруфидаги автосаройларга берилди, улар бугунги кунда шаҳар йўналишларида пойтахтликларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

2- ва 8-автосаройлардаги сервис марказларида иш ҳажмининг ошганлиги ҳамда автобусларнинг беҳуда, унумсиз йўл босишининг олдини олиш мақсадларида 7-автосаройда ҳам мазкур автобусларни таъмирлаш ҳамда уларга малакали сервис хизматларини кўрсатиш учун автосервис маркази керакли жиҳоз ва ускуналар, асосийси, ўз ишининг усталари бўлган мутахассис ходимлар билан таъминланди.

Мазкур сервис марказида 7, 12 ва 4-автосаройларига қарашли 165 та «Мерседес-Бенц» автобусларига хизмат кўрсатилади. Чунки улардан фойдаланишининг иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан кўрсатилаётган сифатли техник хизмат ҳамда профилактика ишларига бевосита боғликлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам барча сервис марказларида автобуслар сифатли таъмирдан чиқмоқда, талабларга тўла амал қилиб кўрсатилаётган сервис хизмати шубҳасиз, ҳаракат таркибининг юз фоиз яроқчилигини таъминлаш имконини беради.

Гўзал шахримизнинг кенг, раvon йўлларига ярашган «Мерседес-Бенц Конекто 0345» русумли автобуслари бошқаришда қулайлиги, мустаҳкамлиги, салонининг шинамлиги, техник жиҳатдан хозирги замон талабларига тўла жавоб бериши билан йўловчилар оқлошига сазовор бўлиб, ҳайдовчиларга эса пойтахтликлар ва меҳмонларни кўзлаган манзилларига эсон-омон, тез етказишда ғайрат-шижоат кўрсатишларига омил бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Майор Мэлс Жанабаев вақтинча командирлик вазифасини бажарётган учувчилар қисми ортда қолган йилда ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоалари орасида голиб деб топилган. Албатта, бу ютуқлар замирида жамоадаги ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўзига яраша улуши бор. Аммо жамоа бўлинмалари бошқарувини ташкил этиш, жанговар шайлиқни таъминлаш, қорувлик ва ички хизматларни уюштириш кабилар билан боғлиқ бир вазифа мавжуд. Бу қисм штабининг бошлиғи вазифаси. Айнан ана шу вазифада билимдон, тажрибали, ислохотлар талабини пухта англаган офицер хизмат қилаётгани учун ҳам ютуқларга замин яратилди. Шу сабабли қисм штаби бошлиғи подполковник Одилбек Амруллаев билан яқиндан танишишга қарор қилдик.

СУЛОЛАНИНГ ТЎНҒИЧИ

Подполковник Амруллаев штаб ишини ташкил этиш, унга доимий раҳбарлик қилиш, кўшин ва хизмат турлари бошлиқларининг хизматини мувофиқлаштириш, шахсий таркибининг аҳолини билиш, топширилган вазифалар бажарилишини назорат қилишни бир лаҳза ҳам эътибордан соқит қилмайди. Шунингдек, штаб офицерлари билан мунтазам машғулот ўтказиш, жанговар тайёргарлик режалари бажарилишини кузатиш ҳам унинг зиммасида. Қоровулик ва ички хизмат тайёргарлигини мунтазам равишда текшира боради. Биз бу офицер билан суҳбатлашиш ниятида хизмат хонасига кирганимизда, жанговар навбатчиликка тўришга шайланаётган шартнома бўйича хизмат сержанти Салим Ҳалимов билан йўриқнома ўтаётган экан. Штаб бошлиғи навбатчиға унинг вазифаларини, масъулиятини атрофлича тушунтирди. Унинг саволларига жавоб бера туриб, навбатчиликка тушаётган посбон, жумладан шундай деди:

— Навбатчиликни ўташ пайтида чалғиш, навбатчиликни ўташ бўйича мажбуриятлар бажарилишига боғлиқ бўлмаган ишлар билан шугулланиш, навбатчиликни ўташни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ман этилади.

Шу кабиларни айтиб, посбон ўз мажбуриятларини санади.

Киевдаги олий ҳарбий билим юртини 1991 йилда тугаллаган Одилбек ўз Ватанига учувчи офицер сифатида келди. Очғи, Истиклолга энди қадам қўйган йилимизда миллий офицер кадрларимизга эҳтиёж катта эди. Борлари ҳам ўзи тугилиб ўсган заминдан олисда хизмат қилаётганди. Ёш офицернинг бахтига унинг зиммасига ўз Ватанига хизмат қилиш, эн-

дигина эришилган мустақилликни ҳимоялаш масъулияти тушди. Хуллас, Куролли Кучларимизга тамал тоши қўйилаётган йилдан то ҳозиргача ўзбекнинг бу мард ўғлини сафларда.

Куролли Кучларимизда ислохотлар бошланган илк даврда офицер Амруллаевга ўхшаган ҳарбий миллий кадрларимизга катта эътибор берилди. Уларнинг замонавий ҳарб илмини, илгор тажрибаларни ўрганиши бўйича шароитлар яратилди. 1997-1999 йилларда ў Германиянинг Гамбург шаҳридаги ҳарбий академияда соҳаси бўйича билим ва тажрибаларини бойитиб қайтди. Парвозлар билан боғлиқ машқларда маҳорат кўрсатиб, хорижий ҳамкорларга ўзбек ўғлини нималарга қодир эканлигини кўрсатгани ҳам бор гап.

Шундан сўнг офицер Амруллаев Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўшинлари штабида фаолият юритди. Куролли Кучларимиз сафларидagi ёш учувчиларни ҳар томонлама баркамол этиб тайёрлаш, уларга илгор тажрибаларни ўргатиш борасида устозлик қилиб келди.

Иноят отанинг оиласига барча ҳавас қилади. Ҳатто, ҳарбий сулола сифатида маҳалла фаҳрига айланган оила, десак ҳам арзийди. Бунга оиланинг тўнғичи Одилбек сабаб. Уни ҳарбий либосда кўрган укаларида ҳавас уйғонди. Айниқса Солижон акасидек ҳарбий учувчи бўлишга қарор қилганида, оила бошлиқларининг оқ фотиҳа беришдан ўзга чоралари қолмади. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илк қалдирғочи бугун капитан унвонига. Саиджон ҳам акаларидан ортда қолишни истамасди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини



туғаллаган бу йигит ҳозирда капитан. Дивизионга командирлик қиляпти. Хуллас, тўрт ўғилдан учтаси ҳозирда шу йўлни танлашди. Аммо бу ҳаммаси эмас. Мақоламиз қаҳрамонининг рафиқаси Гулҳаҳра Ҳақимова ҳам ҳарбийлар билан бир сафда. Шартнома бўйича хизматда оддий аскар унвонига, телеграфчи вазифасида хизмат қиляпти. Бир ўғил, бир қизни тарбиялаш билан бирга юрт ҳимоясидек муқаддас ишга ҳам улуш қўшмоқда.

— Мустақилликнинг 12 йиллиғи мен учун қўшалок байрам бўлди. Биринчи сентябрь санасини назарда тутаяман. Аслида-ку, бу кун менга доимо шодиёна бўлиб келган. Ахир, туғилган куним-да. Бундан қаранг, 2003 йилнинг 1 сентябрида кизим Гуласалбегим дунёга келди. Мен фарзандларимни Мустақиллик гоёларига садоқат руҳида тарбиялайман. Токи, улар қайси касбни танлашмасин, доимо Истиклолни мустаҳкамлаш йўлида фидойи бўлишин, — дейди подполковник А.Амруллаев.

Дарвоқе, Одилбек хизмат давомида кўплаб рағбат мукофотларга сазовор бўлган. Аммо Куролли Кучларнинг 10 йиллиғи муносабати билан берилган эсдалик нишонини ўзгача эъозлайди. Уни кўлга олганида, миллий армиямиз шакллануви йилларидаги машаққатли хизматлари кўз олдиға келади. Дарҳақиқат, Куролли Кучларимизга асос солинган ўша даврда мана шундай мард, жасур, элу юрти учун ёниб хизмат қиладиган фидойи ўғлонларга суанди. Бугунги — ислохотлар даврида ҳам подполковник Амруллаев сингари тажрибали офицерларимизнинг ўрни беҳисс.

Алижон САФАРОВ, капитан.

Масалан, бозорларда кундалик турмушимиз учун доимо керак бўладиган тозаловчи ва оқартирувчи воситаларнинг хариди бир оз чаққонроқ. Чунки ҳар бир уй бекаси ошхона ва ювиниш хоналарини тоза ва озода сақлашга ҳаракат қилади. Хўш, улар ҳар кун фойдаланаётган бу оқартирувчи воситаларни қасрдан ва қандай номдагиларини харид қилишди? Бундай воситаларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан улар хабардорми?

Шуни таъкидлаш кераки, шахримизда фаолият кўрсатаётган «Хобигул» масъулияти чекланган жамиятида бир неча йилдирки ювиш ва тозалаш воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Корхонамиз асосан тозаловчи ва оқартирувчи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган

бўлиб, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Соир Раҳимов, — ҳозирда «Пакиза» номи

ланишига эътибор берадилар. Маълумки, бежирим шаклдаги бундай қадоқлашга ҳам корхона

қадоқланади. Шунини айтишим мумкинки, ҳозирда маҳсулотимиз сифати билан бир қаторда унинг бежирим қадоқланиши устида ҳам иш олиб бормоқдамиз.

Эҳтиёждан келиб чиқиб, корхона маҳсулотлари бир хил қутиларда эмас, балки ҳар хил ҳажмдаги қутиларда қадоқланмоқда. Масалан, харидор ўз эҳтиёжига қароб 0,4 килограммик пакетдаги оқартирувчи мосламани ёки 33 килограммик қутидаги маҳсулотни харид қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир харидор ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотни харид қилар экан аввало сифатли маҳсулот эгасига айланади ва муҳими иқтисодий ётимиз ривожига ҳисса қўшган бўлади.

Орузгул РУСТАМОВА СУРАТДА: корхонанинг тайёр маҳсулотлари.

СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАНИШИГА ЭЪТИБОР

Харидор маҳсулот танлар экан, аввало унинг сифати ва нарҳига кўпроқ эътибор қаратади. Маҳсулотнинг қадоқланиши, унинг қайси мамлакат товар эканлиги ҳам сотиб олувчининг назаридан четда қолмайди.



оқартирувчи воситамиз сотувға чиқарилган. Биз тайёрланаётган бундай маҳсулотларнинг биринчи навбатда сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, нарҳи ҳам бошқаларга қараганда анча арзон. Тўғри, кўпчилик харидорлар ҳозирда маҳсулотнинг сифати қолиб, унинг қадоқ-

маълум миқдорда маблағ сарфлайди. Табиийки, бу ҳолда маҳсулот таннархи кўтарилгани боис, унинг нарҳи ҳам ошиб бораверади. Корхонамиз ҳозирда талабға кўра маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Оқартирувчи воситалар қопларда 0,5 килограммик қутиларда ва 0,4 кило-

граммик пакетларда

Санъат

ЁДГОРЛИК
СПЕКТАКЛИ

Ўзбекистонда эстрада жанрини ривожлантиришга яқиндан бош қўшиб, бу йўналишда ўзининг ижрочилик маҳоратини намойиш этган атоқли санъаткор Ботир Зокиров таваллудига 68 йил бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ артисти Б.Зокиров хотирасига бағишлаб ёдгорлик-спектакль тайёрланди.

Тошкент Давлат мусикали комедия театри томонидан сахналаштирилган бу постановка томошабинларга манзур бўлди. Унда атоқли санъаткор ижодий фаолиятининг қатор муҳим қирралари мусикали лавҳаларда ўз ифодасини топди.

Постановкада янграган эстрада санъати устаси куйлаган кўшиқлар ёш истеъодлар ижросида талкин этилди. Суръат Ортиқов, Акмал Саидов ва бошқалар ҳам ижрочилик маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ботир Зокиров томонидан янграган «Мажнун монологи» кўшигининг мусикали ёзуви ҳам томошабинларга жуда манзур бўлди.

ХАЛҚАРО
САНАГА
БАҒИШЛАНДИ

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти қарори билан 2004 йил композитор Штраус йили деб эълон қилинган. Машҳур Австрия композитори таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан белгиланган бу сана Ўзбекистонда ҳам яхши нишонланмоқда.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган концерт дастури ҳам шу халқаро маданий тадбирга бағишланди. Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри томонидан махсус тайёрланган ушбу мусикали томоша дастуридан Штрауснинг қатор асарлари ҳам ўрин олди. Айниқса, унинг «Зангори Дунай соҳилида» деб номланган вальси оркестр ижросида жозибали янгради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур асар оркестр репертуаридан илк бор ўрин олди. Ўзбекистон халқ артисти, профессор Фаррух Содиқов дирижёрлигида янграган бошқа мусикалар ҳам томошабинларга манзур бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт

ХАЛҚАРО МУКОФОТ
СОҶИБЛАРИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан йилга ривожланиб бориб, корхоналар орасида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлари ҳам талайгина ташкил этади.

Хамза туманида самарали фаолият юритаётган «Lok Kolor Sintez» Ўзбекистон—Нидерландия қўшма корхонасида чуқур изланиш, тинимсиз меҳнат эвазига қурилиш ва саноатда қўлланиладиган юқори сифатли, ҳар хил ҳажмларда чиройли қадоқланган лок-бўёқлар мижозларга аллақачон манзур бўлган. Улар орасида «Biosabat» туркумидагилари Ўзбекистонда биринчи марта айти шу корхонада яратилганлиги билан эътиборга сазовордир.

Жумладан, ўтган йил охирида Франция пойтахти Париж шаҳрида аънавий тарзда ўтказиладиган халқаро анжуманда «Олтин сифат» соврини соҳиби бўлди.

Янгиликка интилиш, фақатгина рақобатбардош маҳсулотлар яратиш иштиёқида корхона тадбиркорлари яна бир «Deflam» туркумидаги — оловдан химояловчи қатламли маҳсулот яратдилар. Уни қурилиш, тўқимачилик саноати, гиламдўзликда қўллаш самарали ҳисобланади. Шунингдек, «MP-3» туркумидаги «ЛКС-1» сифатли (фақат олий хом ашёлардан) электродлар ҳам ўз буюртмачиларига эга. Жумладан, корхонада қурилишда ишлатиладиган кўплаб ашёлар ҳамда 25 хил турдаги тикувчилик маҳсулотлари тикилмоқда. Хозирги кунда корхонада катта миқёсдаги реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Сергели туманида фаолият юритаётган «Кристалл туз» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган ош тузи қадоқланиши ва сифати билан харидорни мамнун этмоқда.

СИФАТИ ЮҚОРИ
МАҲСУЛОТЛАР

Мазкур корхона ўтган йили жанубий корейлик ҳамкорлар кўмагида ташкил этилган. Бугунги кунга келиб «Кристалл туз»нинг замонавий, юқори унумли технологик линияларида кунга икки тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда — Корхонада ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган, — дейди жамият бошқаруви раиси Людмила Кан. — Ўз навбатида, улардан эса тартиб-интизом ва озодаллик қатъий амал қилиш талаб қилинади. Қашқадарё вилоятидан келтирилган туз бир неча жараёнларни ўз ичига олган ишлов беришдан ўтказилганга, рўзгорда ишлатиладиган — давлат стандартлари талабларига тўла жавоб бера оладиган йодланган ош тузига айланади.

Ушбу маҳсулот жамиятнинг ҳамкорларидан бўлган «Орзу пластик» акциядорлик жамиятида тайёрланган чиройли, экологик тоза пакетларга қадоқланади. Корхона маҳсулотларини марказий савдо шохобчалари ҳамда барча озиқ-овқат дўконларидан харид қилиш мумкин.

Жамият тадбиркорлари ички бозорни мунтазам ўрганиб, янгиликка интилан ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар маҳсулотларнинг сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда, янги хилларини ишлаб чиқаришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Ишлаб чиқариш кенгайиши ҳисобига эса корхонада янги иш жойлари яратилди.

Муҳаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА

Дугоналар учрашишганда...

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ҲАЁТИНГИЗ СУҒУРТАЛАНГАНМИ?

Мамлакатимиз сугурта бозорида хизмат кўрсатаётган компаниялар сони яна биттага кўпайди. «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси аҳолининг ҳаёти ва соғлигини сугурта қилишга ихтисослашган «Ozbekinvest Hayot» компаниясини таъсис этди. Низом жамғармаси беш юз миллион сўм бўлган ушбу муассаса аҳолининг ҳаёти ва соғлигини сугурталовчи республикамиздаги энг йирик ихтисослашган компания ҳисобланади.

— Компаниямиз ташкил этилганидан буён ўтган бир ярим ой мобайнида беш юздан зиёд юридик ва жисмоний шахс билан шартнома имзолаб, 1,5 миллиард сўмлик сугурта мажбуриятини зиммасизга олди, — дейди компания бош директори Олимжон Икромов ўза мухбирига. — Ота-оналарга фарзандларининг таълим харажатларини қопловчи, улар балогатга етганда ва никоҳдан ўтганда бериладиган, фуқаролар пенсияга чиққанидан сўнг нафақа пулига қўшимча тўланадиган сугурта

тўловлари бўйича сугурталашни олиб боряпмиз.

Айни вақтда Швейцариянинг «Elvia» компанияси билан хоризга чиқаётган барча ўзбекистонликларга бахтсиз ҳодисалар, юклар йўқолиб қолса кўриладиган зарар, тез ёрдам ёки тиббий-транспорт ва ҳуқуқий ёрдам учун кетган харажатларни тўла қоплаш бўйича сугурталаш ҳам бажарилмоқда.

Лазиз РАҲМАТОВ,
Ўза мухбири.ЎҚУВ МАҲСУЛОТЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда Республика халқ таълими вазирилик томонидан умумий ўрта таълим мактаблари учун мамлакатимизда ишлаб чиқилган ўқув маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Айни пайтда республикамизда 9 минг 727 та умумтаълим ўрта мактаби мавжуд бўлиб, бу тарбия масканларида 6 ярим миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Ўқувчиларни пухта билим эгаллашлари кўп жиҳатдан ўқитувчининг малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Шунинг баробарида назарий билимларни амалиёт билан боғлаб олиб бориш таълим самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Кўргазмада тўрт йўналишдаги маҳсулот ва жиҳозлар, ўқув лаборатория, кўргазмали қўлланмалар, умумтаълим мактаблари фанларига мўлжалланиб чиқарилаётган дисклар, мебеллар, спорт анжумлари намойиш этилмоқда.

Тошкент Ислом университетининг беш йиллиги муносабати билан олий ўқув юрти аспирант ва ёш олимларнинг исломшунослик муаммоларига бағишланган анжумани ўтказилди.

ИСЛОМШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бундан беш йил муқаддам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур университет бугунга келиб кўп қиррали таълим, маънавий-маърифий илмий марказга айланди. Бу ерда диний ва дунёвий билимларни ўзлаштирган, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган, соф исломни халқ орасида тарғиб эта оладиган мутахассисларни тайёрловчи тизим шаклланди. 2000 йилда университетда исломшунослик фанлари бўйича ихтисослашган кенгаш ташкил этилди. Хозирда унда иккита докторлик ва 9 та номзодлик диссертациялари ёқланди.

Анжуманда аспирантларнинг исломшунослик муаммоларига бағишланган изланишлари натижалари олимлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳар йили аънавий тарзда ўтказиладиган анжуманда йигирмадан ортиқ ёш олимлар диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, бузғунчи диний оқимлар кирдикорларини фош этиш, дин никоҳи остидаги экстремистлар жаҳолатига қарши маърифий жавоб бериш бўйича ўз илмий изланишлари натижаларини тақдим этдилар.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ФАРЗАНД — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ҳаётнинг нурга тўлган хосиятли лаҳзаларида дунёга келган чақалоқнинг ингиси аввало оналарнинг қалбида чексиз қувонч, меҳр-муҳаббат хисларини уйғотади. Ҳақиқатан янги туғилган фарзанд оиланинг бахту қувончи, бебаҳо гавҳаридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, она ва бола соғлиғи янги авлод камолотида муҳим ўринни эгаллайди. Эштибор берган бўлсангиз шахримиздаги мавжуд туғруқхоналар олдида анвойи гулдасталар кўтариб олган бахтиёр оталар ва буви ва буважонларга кўзингиз тушади.



Албатта бирор бир ҳомиладор аёлни кўрган захотимиз «Эсон-омон кутулиб олсин» деб яхши ният қиламиз. Она бўлиш осонмас. Тўлғоқ азобида минг дард чекиб бир инсонни дунёга келтиришнинг ўзи бўлмайди. Унинг азобини, машаққатини тотган, уни бошидан кечирган оналаргина билади ҳолос. Лекин бу машаққатли дарднинг орқасида оламжаҳон қувонч ва бахт нишониси пайдо бўлади, албатта. Ана шу қийин дамларда оналарга бошида парвона бўлиб, дардларига малҳам бўладиган доялар — гинеколог-шифокорларнинг хизматлари бекиёсидир. Собир Раҳимов туманида жойлашган 2-туғруқ мажмуасидан ҳам ҳар кун бахтиёр оилалар фарзандларини бариларига босиб ниҳоятда бахтиёр ва шодон ҳолда уйларига қайтишаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ушбу туғруқ мажмуаси 1966 йилдан буён фаолият кўрсатиб, минглаб оилаларга қувонч улашиб, кўплаб аёлларнинг оналик бахтига сазовор бўлишида хизмат кўрсатмоқда. Мажмуада 2 та туғруқ бўлимида туғруқ зали, болалар бўлими, шунингдек, бемор ҳомиладорлар ва гинекология бўлими, аёлларга маслаҳат ташқиш поликлиникаси ҳамда дорихона мавжуд. Ҳаммаси бўлиб 190 ўринга мўлжалланган туғруқ мажмуасида айни кунда 156 та бемор бўлиб, улардан 80 таси бахтиёр оналардир.



Соглом онадан соғлом бола туғилади. Шунинг учун биз шифокорларнинг асосий вазифамиз, аввало оналарнинг соғлиғига кўпроқ эътибор беришимиз, уларни туғруқкача бўлган даврда саломатликларини кузатиб боришимиз зарур, — дейди 2-туғруқ мажмуасининг бош шифокори Зухра Нажимова. — Ҳозирги кунда туғруқдан сўнг болага биринчи кундан оқонанинг кўкрак сути берил-

ди ҳамда она-бола бирга бўлади. Бундай усулнинг моҳияти, аввало она-болада бир-бирига меҳр уйғонади ва турли хил йирингли касалликларнинг олди олинади. Шифокор ва ҳамширалар эса туну кун она-бола саломатлигини кузатиб, уларга зарур ёрдам ва маслаҳат бериб туришади. Туғруқхонада яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, «хавфсиз оналик» тамойиллари асоси-

да оналарга иложи борича дори-дармонсиз кўмак бериш, баъзи экстрагенитал касаллик билан келган оналаргагина керакли микдорда дорилар ишлатилиши белгиланган. Утган йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги, С.Раҳимов туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан мажмуа қошида яна қўшимча реанимация бўлими очилди ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Давлат дастурларида белгилаб берилган йўналишлар асосида иш олиб бораётган мажмуанинг қўли энгил шифокору ҳамширалари «Болага дўстона муносабатда бўлиш» сервификатини қўлга киритиш мақсадида янада масъулият билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда бу даргоҳда 40 га яқин шифокор бўлиб, улардан 15 нафари олий тоифали шифокордир. Д.Маҳмудова, Ф.Норматова, Т.Пу-

занова, Ш.Мухамедова, З.Қаландарова сингари ўз касбининг жонқурларини шулар жумласидандир. Шунингдек, Д.Мираҳметова, Г.Тошкенбоева, С.Раҳимжоновна, З.Шарипова, Г.Саидова каби кўли энгил, чақон ва ширинсўз ҳамширалар меҳнатидан



кўпчилик миннатдор. Туғруқ мажмуаси қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедраси жойлашган бўлиб, бу ердаги етуқ ва тажрибали мутахассислар шифокорларга илмий ва амалий ёрдам бериб келишмоқда. Бундан ташқари мажмуанинг тажрибали шифокор-гинекологлари маҳаллаларда аёллар ўртасида давра суҳбатлари ўтказиб, унда бугунги кунда долзарб масала бўлган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий куриқдан ўтишларининг аҳамияти, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, эрта никоҳнинг олдини олиш, кўкрак сутининг аҳамияти, ҳомиладорликдан сақлашни усуллари тўғрисида фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар бериб келишмоқда. Шу билан

бирга аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда. Соглом авлод — соғлом келажак демакдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июндаги 242-сонли «Ойлада тиббий саводхонликни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги мақсадли дастури барча тиббиёт ходимлари қатори 2-туғруқ мажмуаси жамоасининг эзгу ва хайрли ишларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: 2-туғруқ мажмуасининг бош шифокори Зухра Нажимова ва бош ҳамшира-доя Гулнора Тошкенбоева келгуси иш режалари хусусида суҳбатлашишмоқда; олий тоифали ҳамшира-доя Зулхумор Фаттохова янги туғилган чақалоқ билан.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

ЎЗ КАСБИНИНГ ЗАҲМАТКАШИ

Орамизда ўз касбига меҳр қўйган ва эзгуликни ҳаётнинг асл мазмуни деб билган инсонлар кўплаб топилди. Ўзбекистон даволаш диагностика марказида беморларнинг дардига шифо бахш этиб келаётган олий тоифали шифокор, кардиолог, ревматолог Феруза Абдумажидова ҳам ана шундай заҳматкаш инсонлар сирасига киради.

1983 йил Тошкент тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мутахассис ишлаб, тажрибасини ошириш мақсадида Сирдарё вилоятининг Янгйер шаҳрига отланади. У ердаги шифохонада тўрт йил меҳнат қилиб ўз билим ва тажрибасини ошириб шаҳарга қайтади. Феруза опа қаерда бўлмасин ҳалол ва машаққатли меҳнати ортидан минглаб кишилардан раҳматлар эшитди. Жамоада ҳурмат ва эътибор топди. Йигирма йилдан бери беморларнинг дардини даволаб уларга малҳам, дармон бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон даволаш диагностика маркази директори Малика Жунайдуллаева ҳам Ф. Абдумажидова ҳақида илқ фикрларни билдириди.

— Феруза ўз касбига меҳр қўйган ва ниҳоятда изланувчан кўли энгил шифокор. Мана 10 йилдан ошиқроқ вақт давомида бу ерда ишлаб ўз касб маҳоратини намойён этиб келмоқда. Феруза Абдумажидова фидойи, ўз касбининг моҳир, изланувчан шифокори.

Феруза опа ўзи

ҳақида ортиқча гапирмади. Унинг камтарлиги юз-кўзларидан билиниб турарди. — Касбим туфайли инсонларга нафим тегишига яхшилик қилишга интиламан. Негаки, инсон бу дунёга бир марта келади, шу қисқа умри давомида ўз-ўзидан, умридан, меҳнатидан кўнгли тўлиб яшаш керак, — дейди у.

Ҳа. Феруза опа ҳақ гапни

айтди. Бу дунёда инсондан фақат яхшилик қолади. Қаҳрамонимиз ана шундай саодатли йўлни босиб ўтмоқда, десак хато бўлмас. Зеро, инсонларга энг бебаҳо неъмат — саломатлик улашишдан кўра ҳам ортиқ бахт бўлмас керак.

Гулчехра Саттор қизи **СУРАТДА:** Феруза Абдумажидова бемор аҳволини назорат қилмоқда.



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Аллергия — бу организмнинг но-тўғри реакцияси бўлиб, атрофимизни ўраб турган муҳитнинг ҳар турли омилларига инсон сезувчанлигининг ортиши билан намойён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, табиат томонидан яратилган қандайдир паразит организмга тушса, организм махсус модда, яъни иммуноглобулин Е ишлаб чиқарилади. Иммуноглобулин Е ёт жисмни нейтраллаб, у билан бирга иммун реакцияга киришади ва натижада ҳалок бўлади.

Аллергияси бор беморларда иммуноглобулин Е ишлаб чиқариш жараёни бузилади. Биринчидан, бу модда назоратсиз кўп микдорда ишлаб чиқарилади. Иккинчидан, организмнинг нафақат паразитларга, балки ўсимликлар чанги, қушларнинг пағи, ҳар хил дори моддаларга ҳам сезувчанлиги ортади. Натижада, организмнинг ташқи муҳит билан алоқада бўладиган махсус тўқимаси зарарланади. Бу реакция кўпинча аллергия ринит, конъюнктивит, крапивница, дерматитлар ва оғир ҳолларда бронхит астма ва ўлимга олиб боровучи анафилактик шок кўринишида ўтади.

Табиатда азалдан чанг мавжуд бўлган ва ўсимликлар ўсган. XX асрнинг бошларида аллергия кўри-

нишлар инсон организмда камдан-кам учраган. Аллергия тушунчаси бизнинг ҳаётимизда охириги 30 йил давомида кенг тарқалди. 20 асрнинг ўрталарида инсон ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақса-

юқори ўринда туради. Ўзбекистоннинг иссиқ-қуруқ иқлими ўсимлик чангининг кенг тарқалишига шароит яратди. Бизнинг минтақада бу вақт узоққа чўзилмайди. Буни шартли равишда 3 тўлқинга ажратиш мумкин. Биринчи кўтарилиш — дарахтларнинг гуллаши февраль ойининг охирига тўғри келади.

Иккинчиси — апрель охиридан июнь ойининг бошланғичига; учинчиси — энг кучли кўтарилиш — бу полин, лебеда ўсимликларининг гуллаш вақтига тўғри келади, яъни август ўртасидан октябрь охиригача давом этади. Аллергияси бор беморлар учун бу вақт оралиги оғир кечади. Бу вақтда беморлар ўзларича пала-партиш даво чоралари қўлламасликлар лозим. Албатта мутахассис шифокор — алергологга мурожаат қилишлари керак бўлади.

Дори препаратларидан — диазолин қабул қилиш самарали ёрдам беради. Аллергияси бор беморлар ўзларида бурун битиши, қичишиши, хуружли аксириш, бош оғриши, қисувчи йўтал, ҳансираш сезсалар зудлик билан махсус бўлимларга — алерго-марказларга тиббий ёрдам олиш учун мурожаат қилишлари тавсия қилинади.

Гулнора ХАНАПИЯЕВА, олий тоифали шифокор.

ШУНДАЙ ШИФОХОНА БОР

Шаҳримизда бугунги кунда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча имкониятлар яратилган. Бинобарин, пойтахтимизда шифохоналар ҳам, дорихоналар ҳам кўп. Ҳамма дардига даво топиши мумкин. Шаҳар шифохоналари замонавий даволаш ускуналари, дори-дармонлар билан таъминланган.

Шаҳримизда шифохоналар кўп, дедик. Қуйида шундай даволаш масканларидан бири ҳақида сўз юритмоқчимиз. Қиш чилласида шамоллаш кўп учрайди. Мен ҳам шамоллаб, узоқ жойда рўйхатда турадиган шифохонага бормай, яқин жойдаги касалхонага бир танишим маслаҳати билан бордим. Шаҳар марказидаги бу шифохона Абай кўчасининг Навоий, Абдулла Қодирий кўчалари орасидаги 57-оилавий поликлиника ва шаҳар Саломатлиқни тиклаш маркази экан. Бу шифо маркази шаҳарнинг ҳамма туманлари аҳолисига хизмат қилишини кўпчилик билмас керак.

Мени бош шифокор Муҳаббат Азизова қабул қилиб, муолажага йўллади. Даволаш бўлимига бораётганимда оқ халатли, чаққон, хушмуомалали шифокор ёнимга келиб, керакли хонага олиб кирди ва даволаш варақамга қараб,

уни шифокорга узатиб, «Биринчи келишлари», — деди. У поликлиника бош шифокорининг ўринбосари Зухра Абдусатторова экан. Беморларга хушмуомала билан муносабатда бўлиш бу шифохонада биринчи ўринда эканлигининг даволаниш жараёнида гувоҳи бўлдим ва шифо топиб уйга қайтдим.

Зухрон сергайрат ва хушмуомала шифокор, у даволанишга келган беморларни қабул қилади, улар билан суҳбатлашиб, керакли шифокорга олиб киради ва бемор даволаниб, тузалиб кетгунча унга қараб, кузатиб боради.

Поликлиникадаги бошқа шифокорлар ва ҳамширалар ҳам кўп йиллик шифокорлик тажрибасига эга бўлган мутахассислар. Мен оёқ оғриғи, нафас йўлларида даволашда ушбу шифо маскани шифокорларининг самимий муомала ва муолажасидан даво толдим. Даволанишга кел-

ган беморлар билан гаплашганимда, улар ҳам бу шифохонада инсон соғлиғига гамхўр шифокорлар хизматидан мамнун эканликларини сўзладилар. Поликлиникада малакали, ўз касбига меҳр қўйган шифокору, ҳамширалар томонидан парафин, нур, игна, сув, уқалаш, бадан тарбия ва бошқа соғломлаштириш усуллари билан даволаш кенг усулда олиб борилади. Шифокор невропатолог Адига Назарова, нина билан даволовчи Неъмат Мажидов, шифокор Лидия Демочко, ҳамширалардан Дилором Ҳамидова, Гулчехра Саидова, Нина Каткова, Раъно Маҳкамова ва бошқа олий тоифали кўп йиллик тажриба соҳиблари шифокорлар-бу даргоҳда хизматда.

Шуниси диққатга сазоворки, 57-оилавий поликлиника ва шаҳар саломатлиқни тиклаш марказида беморлар бепул даволанади. Поликлиниканинг жонқуяр шифокорлари шаҳар туманлари, маҳаллаларида ҳам бўлиб, аҳоли ўртасида тиббий даволаш, соғломлаштириш мавзуларида учрашувлар ўтказиб турадилар.

Назармат ЭГАМНАЗАРОВ

ОДДИЙ АМАЛЛАРДАН БОҲАБАР БЎЛИНГ

Мана, баҳор келиб зироаткорлар дала юмушлари билан ўралашиб қолдилар: ниҳол экиш дейсизми, зовур тозалашми, шудорни эпаккаса келтириш, сабзавот, резавор, зирвор, ошқўрлар билан боғча, ховлиларни неъмат берувчи омиллар билан бойитишга ҳаракат қилинмоқда. Ана шундай қизғин меҳнат жараёнида фавқулодда ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Огоҳ бўлинг!

Айни баҳорда кунлар илиб, қуёшнинг ҳузурбахш нурлари ҳар қандай жонзотларни жонлантирмай қўймайди. Фавқулодда илон макони бузилиши, қарахт, заҳарга ниши тўла ари лаппагини очиб юбориш, кўҳна паҳса деворлар қулатилиши натижасида «оти йўқ» каби газандалар одамларни чақиб олиши ҳоллари учраб турди. Авваламбор, одамни хавфли газандалар чаққанида зудлик билан дастлабки «қўлдан келадиган» тиббий ёрдамни кўрсатиб, дарҳол тегишли тиббий таянч пунктлари, мутахассис шифокорларга мурожаат қилинмоғи даркор. Уч кун мобайнида илон чаққан жойга ҳар соатда янги хамиртуруш — ачитқи қўйилиши лозим. Мабодо ачитқи галма-гал саримсоқ эзилмаси билан аралаштирилиб амал қилинса, натижаси янада зиёда бўлади. Илон чаққан жойга қариқиз барглари эзиб қўйиш ҳам мумкин.

Агар кишини безовта қилинган қовоқ ари «тулки ари», чивин каби ҳашаротлар чақса, озорланган жойга тезда новшадил спирти (нашатир спирти) суртилиши керак. Ҳашаротлар чаққанида саримсоқ шарбати ёки эзилмасини қўйиш ҳам яхши фойда беради. Ҳашаротлар чақиб, азобланаётган жойга шундоққина ховлингизда мавжуд бўлган петрушка баргини босиш билан ҳам дардан ҳоли бўлишингиз

мумкин. Ҳашарот чақиб яллиғлантирилган жойга баргизубинг янги, ювилган барглари майдаланган ҳолда докага ўраб босилса, дардингизга эм бўлади.

Ҳар ҳолда ишонarli амал, Абу Али ибн Синонинг таъбирича, ток зангини куйдириб, унинг қулини кўлвор илон чаққан жойга босилса, газанда заҳрига зидди заҳарлик қилар экан. Манбаларда қайд этилишича, илон чаққан жойга калий перманганат (марганцовка) дончасини қўйиб, атрофни покка игна билан босиладиган бўлса, хавфли заҳарнинг қуритилишига олиб келади. Ўрни келганида шуни айтиш керакки, зим-зиё дала-даштда меҳнатда бўлган (чўпон, мироб, хашак йиғувчи ва бошқа) кишиларни илон чақиб олгудек бўлса, иложи бўлса жабранганнинг ўзи ёҳуд елкадош бирор киши илон захрини сўриб ташлаши лозим. Бунда албатта унинг оғиз бўшлиғида нуқсонни (зангила, оқма милк, тишлар бепандлиги) бўлмаслиги лозим.

Баъзида ари чаққан жойга лой суртиш каби ҳоллар учрайди. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, лой, тупроқ магизда жуда хавфли касалликларнинг бактериялари (қорасон, қоқшол ва бошқа) бўлиши шубҳадан ҳоли эмас. **Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
домо бўлар...**

● Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг илллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор гарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

Байт:
**Насиҳатин таъсири
бўлмаса ҳеч кишига,
Таажжубмас, дилида
гарази бор кишининг.
Яхши камон бўлса-ю
камонгар уста бўлса,
Ўқи нишонга тегмай
қолмас зинҳор
кишининг.**

● **Ҳикмат.** Ҳар кимнинг феълу атворидида нуқсон бўлса, унинг қилган ваъзу насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди.

Байт:
**Сўзларингни
эшитмаса ҳеч
кимса,
Бехудага чекма жабру
жафони.
Ўз нафсинга ўқи
аввал насиҳат,
Токи бузмай юрсин
аҳду вафони!**

● **Ҳикмат.** Ҳар ким тухматчилар қаторида ўтирса, уни тухматчиликда айбла-салар, ўздан хафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

**Ошкор қилиб бўлмас
сирларинг бўлса,
Дилингда жойла-ю
унга муҳр бос.
Эл оғзига тушгач,
зиёни кўпдир,
Икки лаб ичидан сир
чикса беҳос!**

● Ёлғондан ичиган касамнинг охири хорликдир. Ўлим хавфи бўлса ҳам, ҳаммаша рост сўзламоқ керак.

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:
**Насиҳатим бўлса
беғараз,
Жони билан
тинглайди киши.
Фойдами ё зиён
барибир,
Тинглайвериш
бефаҳм иши!**

● **Ҳикмат.** Аристотель шундай ёзади: «Иззат тиласанг ифатли бўл, улуглик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:
**Дунё моли гўё булут
сояси,
У ёндан бу ёнга ўтар
хар замон.
Шунинг учун молнинг
эътибори йўқ,
Бир онда ўзгариб
қолар ногаҳон.
Хушёр киши шундай
кишики доим.
Топганини элга
қилади эҳсон.**

Троллейбус йўловчилар билан тирбанд. Эрталаб эмасми, биров ишга, биров ўқишга шошади. Бекатлардан бирида эғнида нимдошгина қўйлак, сочлари оқариб кетган онахон чиқди. Бир жувон унга жой бўшатди. Кампир раҳмат айтиб, ўриндиқка чўкди. Троллейбус Эски Жўва йўлига бурилди. «Эрталабки салқинда бозорлаб келай дебсиз-да холажон?» — деди жой бўшатган жувон кампирнинг қийшайиб кетган рўмолини тўғрилай туриб. «Ҳа, холаң айлансин, кўнглимни ёзгани кетаяпман бозорга», — деди кампир. Жувон хайрон бўлгандек унга қаради.

— Кўшнларимнинг бариси ишлашади, мен кечга довур бировлар билан гаплашиб турмасам юрагим зардобга тўлиб кетади.— деди онахон унга тушунтирган бўлиб. — Нимасини атай, дардим оғир, қизим...

— Айтинг, енгил тортасиз. Нима бўлди, ўзи?

— «Қирқ йиллик фароғатим бир кунлик алашим олдида арзимайди» деган экан қадимда биров. Мен ҳам кексайганимда фарзанд доғини тортаяпман...

Кампир йиғлаб юборди. Жувон уни овутиди. Ён-атрофдаги йўловчилар бир зум сукутда қолишди. Кампир гапида давом этди:

— Ёлғизгина ўғлим бор. Мактабда ўқитувчилик қиларди. Нима жин урди-ю туппа-тузук ишини ташлаб тижоратга ўтиб кетди. «Кўй болам, ота-боболаринг ёнида бўл» дедим. Унамади. «Ҳозир замон бошқача ойи. Маошга яшаб бўлмайди» деди. Аввалига бир-икки хафта, пули кўпайгандан сўнг икки-уч оилаб ўзга юртда қолиб кетадиган бўлди. Бу орада келиним аразлаб отасиникига кетди. Шундаям ўғлим инсофга келмади. Бир кун катта мошинда бошқа жойга пиёз олиб кетаётин, йўлда ҳалокатга учраган. Йўл узоқ эмасми, уч кундан сўнг хабар келди...

— Кўйинг йиғламанг, онажон,— жувон кампирнинг елкаларидан силади. Сўнг уни чағитмоқчи бўлгандек, «Ҳозир ким билан турибсиз?», деб сўради.

— Шундан кейин келиним «Сизни ёлғиз қўймаман» деб меникига қайтиб келди. Ҳозир ўғлимнинг ўрнига мактабга ишга жойлашган. Эрталаб уч набирамни мактабга жўнатаману яна ёлғиз қоламан.

— Сиқилманг. Ўзингизни асранг, илоҳим ўлингизнинг умриниям набираларингизга қўшиб берган бўлсин. Сиз уларнинг тўйларига бош бўлинг...

Троллейбус бозор бекатида тўхтади. Жувон кампирнинг кўлларидан тутиб эшик томон йўналди. У билан бир зумгина суҳбатдош бўлган йўловчилар кампирга эсон-омонлик тилаб илиқ хайрлашди.

— Биласизларми, бир кун кизчамни дўхтирга қўрсатиб қайтаётганимда ёмғир шаррос қўйиб берди. Соғабнос чиққандим, роса ивидик. «Эндигина дори-дармон қилиб тузатувдим, касали қайталаб қолса» деб кизалоғимдан хавотирландим. Худди шу пайт ёнимга бир машина келиб тўхтади. «Уху, роса хўл бўлибсизларку, қани машинага чиқинглар элтиб кўяман», деди машина ҳайдовчиси. Нотаниш кишининг бу муомаласидан бироз чўчидим. Сўнг: «Балки киракашлардан бири бўлса керак», дея ўйладим ва тезгина машинага чиқиб

айланиб юрдим. Шунда касалхона эшиги рўпарасига машина келиб тўхтади. Ва ундан шошиб бир йигит тушди. «Опа, менга навбатчи шифокор хонасини кўрсатинг, тезроқ!». У тезгина бориб дўхтирини бошлаб чиқди. Кейин кўзим тушди: машинанинг орқа ўриндиғида ўн уч ёшлар чама-сидаги бир бола инқиллаб ётарди. Бемор болани замбил ёрдамда ичкарига олиб киришди. Ҳамманинг қошига қолганидан боланинг аҳоли оғир эканини пайқадим. Орадан аллақанча вақт ўтди. Йигит жарроҳлик хонаси атрофида айланиб юрар, қайси дўхтир чиқса, «Қон керак бўлса мендан олинглар» деб ялинарди. Бир пайт дўхтир чиқиб, «Боланинг аҳоли яхши, ўзига келди. Ҳамширамиз шу боланинг маҳалласида яшаркан. Уйига хабар қилди», деди. Уларнинг суҳбатидан эшитиб қолдим: боланинг кўричаги ёрилиб кетишига икки-уч дақиқа қолган экан! Шунда ўша йигит соатиға қараб олдию, сўнг кетди. Эртасига боланинг ота-онаси ўғилларини ўлимдан олиб қолган йигитни роса кидиришибди. Лекин дўхтирларнинг ҳеч бири бу йигитнинг исми-шарифини, манзилини айтиб беришолмади...

Мен бу воқеани эслаб туриб, юрагимда шу йигитга нисбатан бир меҳрни туйдим. Сўнг ёнига бордим. Ўзимни танитдим. «Ука, ўшанда бемор боланинг ота-онаси сизни суриштириб топишолмади», дедим. У ҳам касалхонадаги воқеани эслабми, жилмайди. «Ўша кун укамни уйлантираётувдик. Мен кудаларни машинада уйига ташлаб қайтаётувдик. Карасам, шундоқ кўча тегинда бир бола типирчилаб ётибди. Биров пичоқ санчдимми, деб шундай кўрдимки, аста бориб сўрасам, «қорним оғрияпти» деди. Қаранг, ўша кун касалхонада етказишга улгурдим. Шунга қувонаман».

— Ўша боланинг бахтига сиздек яхши акаси учраганини қаранг,— дедим. — Ахир қанча машина тўхтамасдан ўтиб кетгану...

У эса оддийгина қилиб, деди: — Нима бўпти, бу шунчаки инсонлик қарзи. Мендан бошқа киши бўлса ҳам шундай қиларди!

Гоҳида биргина яхши сўз, гоҳида эса бир ҳовуч меҳр кўнгишларимиз оралиғида кўприк бўла олади. Меҳр— ҳаётнинг таяничи. Инсон эса мана шу таянч билан тирик, шу билан бахтли. Бир-биримизга меҳрли, мурувватли бўлсак, олам кўзларимизга янада гўзал бўлиб кўринади. Шундагина машаққатли синовларни осон енгамиз, эртанги кунга ишонч билан қараймиз. Зеро, ёнимиздагилардан меҳру мурувватимизни дариг тутмайлик, дегим келади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

2004 — Меҳр ва мурувват йили

**ГОҲО СЎЗ, ГОҲ ЁРУҒ
ТАБАССУМ...**

кўнгилини кўнгилга боғлайди

«Кимгадир меҳр қўрсатишни истасанг, бунидарҳол бажар, кимгадир яхши сўз айтмоқчи бўлсанг, ўз вақтида айт!»

— Бу менга бувимлардан қолган ўғит. Мен дунёдаги хар бир кишининг шу ўғитга амал қилиб яшашини истайман. Негаки, одам одамга ҳаммаша керак. Қолаверса, биз инсонлар бир-биримизнинг ҳаётимизга масъулмиз.

Қайсидир кун маҳалламиз аёллари билан йиғилишдик. Давра кенгайиб, суҳбат қизиди. Шунда ёнимдаги шеригим бир воқеани сўзлаб бергач, «Орамизда яхшилар кўп» деди. Барчамиз унинг гапини маъқулладик. Сўнг аёллар қачондир кимлардандир кўрган ва ўзлари гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида бирма-бир сўзлаб кетишди.

олдим. Ҳалиги ҳайдовчи бизни уйимиз ёнида қолдириб ўзи яна рулга ўтирди. «Қизингизни иссиқ чой ичирди, дарров кўрпага ўраб қўйинг, шамоллаб қолмасин тагин», дея менга қайта-қайта ўқирди у. Кейин эса машинасини кескин орқага бурди. Ҳатто мен узатган пулниям олмади...

— Яқинда бир воқеа бўлди. Автобус бекатида турибману нуқул ўйлайман: «Мен бу йигитни қаердадир кўрганман!» Бир пайт автобус келди. Шунда йигит ўриндиҳдан сакраб турди, ўқиётган газетасини портфелига солди ва югуриб автобус шофёри ёнига бориб алланамани сўради. Шофёр бош чайқади. Сўнг йигит яна қайтиб ўриндиққа ўтириб, бошқа автобусни кута бошлади. Шунда унинг юзига диққат билан тикилдим. Ҳа, бу ўша. Утган йилги воқеани эсладим. Ўшанда бу йигит ўзи мутлақо танимайдиган бир боланинг ҳаётини сақлаб қолганди. Мен у пайтларда касалхонада даволанаётгандим. Дўхтир кириб менга «Соғайиб қолдингиз, эртага уйингизга кетасиз», деди. Кувониб кетганимдан шу кун уйқум келмади. Касалхона йўлагига чиқиб

тувдим. Карасам, шундоқ кўча тегинда бир бола типирчилаб ётибди. Биров пичоқ санчдимми, деб шундай кўрдимки, аста бориб сўрасам, «қорним оғрияпти» деди. Қаранг, ўша кун касалхонада етказишга улгурдим. Шунга қувонаман».

— Ўша боланинг бахтига сиздек яхши акаси учраганини қаранг,— дедим. — Ахир қанча машина тўхтамасдан ўтиб кетгану...

У эса оддийгина қилиб, деди: — Нима бўпти, бу шунчаки инсонлик қарзи. Мендан бошқа киши бўлса ҳам шундай қиларди!

Гоҳида биргина яхши сўз, гоҳида эса бир ҳовуч меҳр кўнгишларимиз оралиғида кўприк бўла олади. Меҳр— ҳаётнинг таяничи. Инсон эса мана шу таянч билан тирик, шу билан бахтли. Бир-биримизга меҳрли, мурувватли бўлсак, олам кўзларимизга янада гўзал бўлиб кўринади. Шундагина машаққатли синовларни осон енгамиз, эртанги кунга ишонч билан қараймиз. Зеро, ёнимиздагилардан меҳру мурувватимизни дариг тутмайлик, дегим келади...

Ҳайлар

ҲАЁТИМИЗ УСТУНЛАРИ СОҒ БЎЛИШСИН

Биз ҳаётда доимо аёлларни улуғлаймиз, уларни фаришталарга қиёслаймиз, малаклар дея таърифлаймиз. Бу аслида ҳақиқат, аёлларсиз ҳаётнинг ҳеч бир маъноси бўлмасди. Лекин негадир эркаклар ҳақида жудаям оз ёзамиз. Ахир шу эркаклар эмасми аёлларнинг суянч тоғлари. Ишонч қоялари, маслақдошлари.

Мен бугун айнан эркаклар ҳақидаги фикрларимни баён этмоқчиман. Хўш, биз эркакларни хар доим ҳам ардоқлаб, хурматини жойига қўйяпмизми? Ранжитмаёпмизми? Кўнглини олаяпмизми? Дилини билиб-билмай оғритиб озор бермаёпмизми экан?

Аёллар, яъни бизлар бирор нарсадан ранжисак албатта кўнглимизни ақинларимизга, дўгонларимизга тўкиб соламиз. Юрагимиз оғир ситамларга бардош бера олмаганда йиғлаб оламиз, хуллас дардларимизни истаган пайтимизда тўкиб дилимиздаги губорларни тарқата оламиз. Ҳеч бўлмаганда болаларимизга бақириб-чақирамиз. Эримизга дийдиё қиламиз.

Аммо эркакларда бундай имконият йўқ.

Улар бизга ўхшаб бақириб-чақириб йиғламайдилар, юракларини доимо очиб ташлолмайдилар.

Улар дардларини ичларига ютадилар. Гоҳо аламларини ичкиликдан оладилар ёки чекиб хумордан чиқадилар.

Ана шундай дамда яна тутаб кетамиз. «Ичиб келдингизми? Нега? Уйда шунча етишмовчиликлар, сиз эса ўзингизни ўйлаб ичиб юрасиз. Бўлди тўйиб кетдим! Кетаман! Ажрашаман», дея жаҳл қиламиз. Каерга кетмоқчисиз? Каерга сизга, ким сизни кўзлари тўрт бўлиб кутаяпти? Болаларчи, уларда нима гуноҳ?

Нега доим айбни эркакларга ағдарамиз. Эр-хотин қўш қанот деган ҳикматли нақринг қиммати қаерда қолади? Нега биз

йиғлаб кўнглимизни бўшатаётганда, эркак ташвишлардан чағиш учун озгина ичиш ёки чекишга ҳаққи йўқ.

Ишлари юришмаётган бўлса нима қилсин ахир? Дардини кимга айтсин, тўлиб кетган юрагини кимга бўшатсин? Уйда сиз уни тушунамасангиз, қовоғингизни очмасангиз. Билмадим балки ошириб юбораётгандирман. Аммо эркакларни ҳам тушуниш, қалбига қулоқ солиш, қувончига шерик бўлиб гапини аритиш биз аёлларнинг вазифамиз. Агар эркакларни тушунишни истасам эканмиз, ҳаётимизни ўзимиз чигаллаштирган бўламиз. Уларни асраш, авайлашимиз керак. Эркаклар бор дарду аламини ичларига ютиб ҳам қулиб яшай оладилар. Лекин юрак ҳамма гапларни ҳам кўтара олмайди. Ахир уларсиз ҳаётнинг ҳеч қандай қизиги йўқ. Бир кун улар дастурхон атрофида бўлишмаса уйдан фазз кўтарилиб кетгандай бўлади.

Яхшими, ёмонми, баджаҳлми, кўполроқми уйимизнинг устун эркакларимиз соғ бўлишин, бор бўлишин. Болаларимизга парвона бўлишин.

Эркакларни асранг, аёллар!
Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Маслаҳат

СУТЛИ НОН

Тайёрлаш усули худди оби нон каби амалга оширилади. Фақат хамирга сув ўрнига сут қўшиб қорилди. Ачиган сут ишлатса ҳам бўлади. Қатиқ зардобда хамир қориш ҳам яхши натижа беради.

Масаллиқ: 1 килограмм ун, 40 грамм хамиртуруш, 1 стакан илиқ сут, 1,5 чой қошиқ туз.

ПАРДОЗ УЧУН АСАЛ

Ўзингизга хунсубзар тошди. Ундан кутулиш йўли осон, икки ош қошиқ асални қайноқ бугда эритасиз. Сўнг мойчечак гули солиб қайнатилган 1 литр сув билан аралаштирасиз. Уни оғзи беркиладиган шиша идишга солиб, куёш нури тушмайдиган салқин жойда асранг. Бу аралашмани истаган вақтингизда юзга суриб юришингиз мумкин.

КАРТОШКА-ДАН...

Қоқ ўртасидан бўлинган хом картошка кир ва доғларни кетказиш хусусиятига эга. Хом картошка пўчоғи билан гиламларни тозалашингиз мумкин. Бунинг учун пўчоғи сувда чайлиб, суви селгич гилам устига сепилади ва икки марта супуриб ташланади.

СИРКАНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ

Таги қорайган электр дазмолни сиркага намланган латта билан артсангиз тозаланади. Борди-ю у яхши тозаланмаса, идиш-товоқ ювиладиган «Пемоксольюкс» деб аталувчи порошокка латта буқлаб дазмол тагини ишқаланг. Порошок қолдигани майда тузга буланган латта билан артиб ташланг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига!

2004 йил 1 апрелдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 31 мартдан тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи йил мобайнида беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида ҳақ тўланади.

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Улчов бирлиги	Улчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	69,45
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	ГОСТ 5542-87	10 м³	120,00
	Иситиш	ГОСТ 5542-87	10 м³	55,65

Эслатма: 2004 йил 10 апрелгача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича эски (10 м³ — 60,92 сўм) нарх ҳисобида олинади. 2003 йил 11 апрелдан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчи тавсифомаси	Улчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	Ойлик
2.1.	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 м³	1584,00	132,00
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 м³	2160,00	180,00

2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситгич	1 кишига 16 м³	2304,00	192,00
2.4	Иситиш газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шaroитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан таъмин йил мобайнида бир маромада фойдаланиш	Хонанинг 1 м²га 5,76 м³	160,25	32,05

«Тошкентшаҳаргаз» ХГТ корхонаси

Табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига!

2004 йил 5 апрелдан улгуржи истеъмолчиларга табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1.04.2004 йилда тасдиқланган тарифлар бўйича янги чакана нарх белгиланди.

	Улчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча нархга қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда (НДС)
«Узтрансгаз» АК магистрал газ қувурларига тўғридан тўғри чиқиб ҳуқуқига эга бўлмаган улгуржи истеъмолчилар газ таъминоти корхоналари томонидан бериладиган чакана нархда бериладиган табиий газ.	Сўм 1000 м.куб	26 800

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлашиб банд солинган куйидаги автотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 19 апрель кунинда куйидаги автотранспорт воситалари ким ошди савдоси ўтказилади:

1. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Э 30-61 ТН, бошлангич нархи 120 000 сўм;
2. "Газ-968" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54, бошлангич нархи 80 000 сўм;
3. "Дамас" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АС 238, бошлангич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
4. "Нексия" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 210, бошлангич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
5. "Шевролет" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЖ 406, бошлангич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;
6. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошлангич нархи 12 000 000 сўм, техник носоз;
7. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В,

- бошлангич нархи 4 480 000 сўм;
8. "Хундай Соната" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 30-18, бошлангич нархи 1 000 000 сўм,
9. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошлангич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
10. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошлангич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
11. "Уаз-3303-01" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 96-59 ТНМ, бошлангич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
12. "Зил-130В" юк автомобили, 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 527, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
13. "Одаз" ярим прицепи, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 13-23 ТН, бошлангич нархи 60 000 сўм, техник носоз;

2004 йил 6 май кунинда куйидаги автотранспорт воситалари ким ошди

савдоси ўтказилади:

1. "Ваз-21063" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси З 82-08 ТН, бошлангич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
 2. "Газ-3102" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 788, бошлангич нархи 11 200 000 сўм, техник носоз;
 3. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЛ 279, бошлангич нархи 800 000 сўм, техник носоз;
- Ким ошди савдолари соат 11.00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**
- Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.**
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**
- Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
 Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
 Факс: (3712) 133-29-09.
 Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
 Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

Спорт

ОКСАНАНИНГ ЯНА БИР ГАЛАБАСИ

Илгари ҳамшаҳримиз, спорт гимнастикаси маилкаси Оксана Чусовитинанинг жаҳон Кубогининг Котбус ва Лион шаҳарларида ўтказилган дастлабки икки босқичида эришган юксак мукофотлари ҳақида хабар бергандик.

Шу йилнинг август ойида Греция пойтахти Афинада бўлиб ўтадиган ёзи олимпиадага қизгин тайёргарлик кўраётган Оксана Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган жаҳон Кубогининг учинчи босқичи бўлмиш «Зигфрид Фишер соврини» халқаро турнирида ҳам ажойиб натижалар кўрсатиб, яхши спорт формасида эканлигини яна бир қарра исботлади.

Оксана Чусовитина ўзининг гимнастикадаги энг муваффақиятли йўналиши — таяниб сакраш машқида 9.406 очко тўплаган ҳолда АКШ ва Бельгиялик кучли рақибларини орта қолдириб олтин нишонни қўлга киритди. Бу гал Оксана брусыя машқида ҳам ўз маҳоратини намойён қилиб, учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Биз Ўзбекистон спорти тарихидаги энг кучли гимнастикчилардан бири бўлмиш О.Чусовитинага Грецияда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»ГА ТАЙЁРЛАНИШ-МОҚДА

«Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуаси сув ҳавзасида «Умид ниҳоллари» спартакидаси финал мусобақаларига шахримизнинг энг кучли 24 нафар мактаб ўқувчилари қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, сув ҳавзаси раҳбариятининг ёш сузувчиларимизни май ойида бўлиб ўтадиган масъулиятли мусобақаларга муносиб тайёргарлик кўришларини таъминлаш юзасидан ўқув йиғинларини уюштириш борасидаги ташаббуслари шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Ҳозирда ҳар куни бир неча соатдан даром этаётган машғулот жавабларида ёш сузувчиларга Валерий Поляков, Дмитрий Паньков, Сергей Лозин, Алевтина Решетова, Зоя Ермилова, Наталья Обухова каби етакчи мураббийлар маҳорат сирларидан сабоқ бермоқдалар. Бу эса «Умид ниҳоллари» спартакидасида ҳамшаҳарларимизнинг юқори натижаларни кўрсатишлари йўлида муҳим омил бўлиши аниқ.

(Ўз мухбиримиз)

ЙЎЛ ҚОНДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Дунё бўйича ҳар куни 140 минг киши йўл-транспорт ҳодисаси туфайли турли жароҳатлар олмақда. Улардан уч минг нафари ҳалок бўлиб, 15 минг киши ногирон бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда «Экосан» халқаро жамғармасида Жаҳон соғлиқни сақлаш кунига бағишлаб ўтказилган «Йўлларда хавфсизлик ҳаммамизга боғлиқ» мавзусидаги анжуманда таъкидланди.

Ҳар йили Жаҳон соғлиқни сақлаш куни 7-апрел барча мамлакатларда саломатлик куни сифатида нишонланади. Ушбу санани нишонлаш учун маълум бир мавзу танланади. Жорий йилда ўтказилаётган навбатдаги тадбир йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишланди.

Йўл-транспорти ҳодисаларининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳамда инсонлар саломатлигига етказётган зарари ушбу муаммога эътиборни кенгроқ қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан жамғарма раиси Юсуфжон Шодиметов. — Ҳар йили йўл ҳалокати оқибатида дунё бўйича бир миллиондан орტიқ киши ҳалок бўлмоқда. 2002 йилда йўл ҳаракати ҳалокати туфайли 1,18 миллион киши вафот этиб, 20-50 миллион киши жароҳатлан-

ган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоси жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхатида учинчи ўринда туради. Даромад даражаси паст ва ўртача бўлган мамлакатлар учун бу оғир юк бўлиб тушмоқда. Ривожланган давлатларда йўл ҳаракатининг ҳалокатининг олдини олиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўпгина дастурлар ишлаб чиқилган. Натижада мазкур ҳодиса оқибатида инсонлар ўлими 100 минг аҳолига олти нафар тўғри келмоқда. Лекин барча давлатларда ҳам бу кўрсаткич яхши деб бўлмайти.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, республикада бу борада мақсадли дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Бу ўрин-



да республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисида қарори қўл келмоқда. Ушбу қарорга асосан ҳар йили йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Мактаб дастурларида эса йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш учун махсус дастур киритилган.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Тадбирлар

ТАСАВВУРЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШДИ

Ёшларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлашлари ҳамда ўқишдан ташқари пайтларида фойдали ва унумли ишлар билан шуғулланишларини ташкил этишни кўзлаган ҳолда жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими томонидан «Тошкент менинг нигоҳимда» деб номланган тадбир ўтказилди. Ёшларнинг ўз мақсадлари сари интилиб, маҳоратлари, истеъодларини намойён этишда бу каби тадбирларни ташкил этиш ҳозирда аънамага айланмоқда. Ушбу акциянинг моҳияти болажонларнинг сеvimли шаҳри ҳақидаги ўй-фикрлари, тасаввурларини акс эттириш, уларнинг мурғак қалбларидаги она юртига бўлган туйғуларини расмлар орқали намойиш этишдир.

Акцияда қобилиятли расмом болалар билан бирга иштирок этишни хоҳловчилар ҳам қатнашдилар. Рангли бўёқлар орқали болажонлар шахримизнинг сўлим кўчалари, мусаффо осмони, бегубор баҳор табиятини,

ҳамшаҳарларимизни тасвирлашган. Эътиборли томони, иштирокчилар гуллаб-яшнаб бораётган шахримизнинг қиёфаси билан уйғунликда оила даврасида ўтказадиган дамларга ҳам кўп бора мурожаат қилганлар.

— Биз «Болаларнинг хоҳиши, мақсадлари, ўй-фикрлари қандай?» деган масалага бефарқ эмасмиз. Шаҳри азим Тошкентимиз ҳақидаги тасаввурларига-ча қизиқамиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими етакчиси Раъно Эгамбердиева. — Бугун улар ҳаётимизни, шахримизни, она табиятимизни рангли жилолар орқали чин қалбларидан тасвирлашди. Уйлаймизки, болажонларнинг бегубор қалбларидаги орзу-истакларини намойён этишда бундан кейин ҳам ўз ёрдамимизни аямаймиз.

Юлдуз УСМОН

Шахмат оламида


«ОСКАР» СОВРИНИ СОҶИБЛАРИ

«Оскар» — йилнинг энг яхши шахматчисига топшириладиган совриндир.

«Оскар» совринини шахмат мавзусида ёзадиган журналистлар халқаро уюшмаси беради, у уюшманинг фахрий президенти, испаниялик Жард Пуч ташаббуси билан ташкил этилган. Биринчи «Оскар» — от миниб турган киши тасвирланган кумуш ҳайкалча эди. Кейин совринда Мадрид герби — дарахт олдида орқа оёқларида турган айиқча акс эттирилган.

Ҳозирги «Оскар»да Испаниядаги бошқа бир шаҳар — Барселона герби; очик соябон тугиб турган назокатли аёл тасвирланган. Дунёда биринчи бўлиб шахмат спортидаги бу олий унвонга даниялик машҳур гроссмейстер Бент Ларсен 1967 йилда сазовор бўлган бўлса, кейинчалик собиқ жаҳон чемпионлари Борис Спасский, Анатолий Карпов, Роберт Фишер (АҚШ)лар шахмат «Оскар»ни қўлга киритишди. Гарри Каспаров эса ўзига хос рекорд ўрнатди. У 10 мартага «Оскар» унвонига сазовор бўлди. 1982 йилдан буён соврин билан дунёнинг машҳур шахматчи аёллари ҳам мукофотлана бошлади.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат шарҳловчиси



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Иккала диаграммага диққат билан назар солсангиз оқлар бошлаб маҳорат кўрсатиб уч юришда қораларни мот қиладилар. Сиз қандай ўйнардигиз, хурматли шахмат шайдолари?

лорд етишмовчиликка олиб келади. Бунинг натижасида юрак, бош марказий асаб тизими бузилиши юзга келади.

Ларингит асоратлари зотилжам касаллигига, миокардит, ДВС — синдромига, энцефалит ва мия шишига олиб келади.

Ларингит кўпроқ паратрофи, диатези бор, рахит, анемия бўлган болалар, иммунитетини паст бўлган кишиларда учрайди.

Айниқса, дори-дармонга алергияси бўлган болалар, туғилиш даврида жароҳат олган болаларда кўпроқ бу касалликка чалиниши мийиллиги кулироқ.

Бу касаллик профилактикасида — таркибиде аллергенлар бўлган озиқ-овқатлар миқдорини меъридан оширмастик, шамоллаш касаллигининг олдини олиш, касалликларни вақтида даволаш, айниқса болаларни чиниктириш зарур. Ушбу касаллик белгиларини сезсангиз, дарҳол шифокорга муурожаат қилиш керак. Уй шароитида билиб-билмаган ҳолда турли хил дори воситаларидан шифокор маслаҳатисиз фойдаланишдан эҳтиёт бўлинг.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Кўпинча баҳор ва куз фаслида томоғим оғриб, овозим чикмай, бўғилиб қолам. Бу ҳолни шифокорлар «Ларингит» деб аташади. Илтимос, «ларингит»нинг келиб чиқиши ва даволаш усуллари ҳақида мутахассис маслаҳатини берсангиз.

**Ш.Абдукаримов,
мехнат фаҳриши.**

— Ларингит ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни вируслар чақиради. Бунда ҳиқилдоқ шиллиқ қобиклари яллиғланади. Ҳозирги пайтда ларингитни алергик касаллик деб ҳисобласа ҳам бўлади, чунки кўпинча болаларда бу касаллик аллергенлар ҳисобига келиб чиқади. Масалан, ширинликлар, цитрус мевалар кўп истеъмол қилинганда бу касалликка чалиниш мумкин. Касаллик кўпинча грипп, парагрипп ва шамоллашдан келиб чиқади.

Касаллик беморда қуруқ йўтал, бўғилиб қийин нафас олиш, овози бўғик ҳолда чиқиши билан чекади.

Ларингит касаллигида нафас йўлларининг яллиғланиши натижасида шиллиқ қобикларда

шиш пайдо бўлади. Бу шиш натижасида ҳиқилдоқ чўзилади, ҳаво ўтказувчанлиги тезлашади. Ҳиқилдоқ шиллиқ қобиклари қурийд, шиллиқ қобикларда пўстлоқ ҳосил бўлади. Ҳиқилдоқ ўтказувчанлиги тораяди, ўпкага ҳавонинг кириши секинлашади. Натижада ташқи нафас олиш тезлашади. Нафас олишда кўкрак ёрдамчи мускуллари иштирок этади. Ҳаво қийналиб ўтади. Нафас кириш билан чиқиш орасида пауза йўқолади. Нафас бўғилиб овоз билан хириллаб чиқади. Бўғилиш қучайиши натижасида ўпкада ҳаво ҳажми камаяди. Бунинг натижасида ўпкадаги қон томиларни кислород билан кам бириқади. Катта қон айланиш томиларида кислород етишмайди. Кейинчалик қонда кислород етишмай гипоксемия, тўқималар орасида кис-

**Бош муҳаррир
Акmal АҚРМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39
факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босяма тафтоқ, объект усулида босилади.
4409 нусхада босилади. Қўнот бегини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамаъна» — 133-7405 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босямаохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.